## ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 12/2

"28" январ 2022 йил

**"Асадбек Сардор Савдо Нур" Х/К** ,.кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. ўзининг низоми, асосида иш юритувчи М.Каршиева номидан, бир томондан ва ***Самарканд туман МТ*** бўлими, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади.Ўзининг низоми,асосида иш юритувчи О.Марупов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Сотувчи харид қилинадиган товарга керакли ҳужжатлар (гувоҳнома,сертификат,улгуржи савдо учун рухсатномалар,ДБХ импорт товарлар,товарларни тасдиқловчи ҳужжатлар) ва бошқа ҳужжатлар нусхаларини харидорга юборади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Товук гушти | кг | 465 | 29 000 | 13 485 000 |
| 2 | Мол гўшти | кг | 515 | 70 000 | 36 050 000 |
| 3 | Кунга бокар ёги | кг | 100 | 18 000 | 1 800 000 |
| 4 | Тухум | дона | 3300 | 1 100 | 3 630 000 |
| 5 | Ун махаллий | кг | 265 | 2 900 | 768 500 |
| 6 | Макаронлар | кг | 105 | 7 000 | 735 000 |
| 7 | Перловка ёрмаси | кг | 50 | 6 500 | 325 000 |
| 8 | Шакар | кг | 313 | 8 500 | 2 660 500 |
| 9 | Мева қиёми | литр | 53 | 14 000 | 742 000 |
| 10 | Гречка | кг | 64 | 16 000 | 1 024 000 |
| 11 | Горох | кг | 60 | 7 500 | 450 000 |
| 12 | Ош тузи | кг | 37 | 1 500 | 55 500 |
| 13 | Манни ёрмаси | кг | 61 | 5 500 | 335 500 |
| 14 | Чой (кук) | кг | 3 | 38 000 | 114 000 |
| 15 | Мош | кг | 55 | 13 000 | 715 000 |
| 16 | Тамат | кг | 25 | 12 500 | 312 500 |
| 17 | Карам | кг | 315 | 2 500 | 787 500 |
| 18 | Лавлаги | кг | 230 | 2 500 | 575 000 |
| 19 | Нухат | кг | 49 | 21 000 | 1 029 000 |
| 20 | Дроже курик | кг | 3 | 50 000 | 150 000 |
| 21 | Шарбатлар | литр | 450 | 6 000 | 2 700 000 |
| 22 | Ок ловия | кг | 20 | 11 000 | 220 000 |
| 23 | Қизил лавия | кг | 20 | 11 000 | 220 000 |
| 24 | Какао | кг | 16 | 45 000 | 720 000 |
| 25 | Гуруч ёрмаси | кг | 10 | 3 800 | 38 000 |
| 26 | Памидор | кг | 50,0 | 10 000 | 500 000 |
| 27 | Бодринг | Боглам | 60,0 | 7 000 | 420 000 |
| 28 | Кукатлар | кг | 390,0 | 1 000 | 390 000 |
| 29 | Шалғом | кг | 75,0 | 1 800 | 135 000 |
| | | Х | Х | Х | 71 087 000 |

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **71087000 (Етмиш бир миллион саксон етти) сўмни** ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида ,тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.

5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил "28" январдан 2022 йил «31»январгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор холатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал килинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда Иктисодий судида хал қилинади.

## 8.ФОРС - МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагмнлиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси туғрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар бўлади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келищувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

9.3 Мазкур **71087000 сумлик, №1/1-сонли** шартнома 2022 йил «28» январдан 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб. Самарқанд туман буйича ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 10. Томонларнинг юрндик манзили ва томонлар риквизити

| | | |
|---|---|---|
| **Сотувчи; "Асатбек Сардор Савдо Нур" Х/К** | | **Сотиб олувчи : Самарканд туман МТБ** |
| **Манзили: Пастдарғом тумани** | | **Манзил: Сам.туман Гулобод кургони** |
| **Р/сч:20208000900725041001** | | **л/сч:100022860182337091100251001** |
| **Банк номи:ТИФ Миллий банк Самарканд филиали** | | **ИНН: 207267163 ОКОНХ:84119** |
| **МФО:00278** | | **Самарканд туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси** |
| **ИНН:304638135** | | **Р/сч:23402000300100001010 МФО:00014 ОКОНХ: 97160** |
| **ОКОНХ:** | | **ИНН:201122919** |
| **Рахбар М.Каршиева** | | **Банк:Марказий банк шаҳар бош ХККМ** |
| | | **Рахбар О.Марупов** |

...ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: QH77001368 77

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: **Шартнома**

2. Лойиҳаниинг номи:
**Умумий суммаси 71 087 000 сўм бўлган "Асадбек Сардор Савдо Нур" Х/К ва Самарқанд туман Мактабғача таълим бўлими томонидан тузилган олди-сотди шартномаси тўғрисида**

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:
**Самарқанд туман Мактабгача таълим бўлими томонидан 27.01.2022 йил ишлаб чиқилган ва 27.01.2022 йил тизимга киритилган**

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ.

28.01.2022 йил

**Юридик хизмат кўрсатиш маркази**
**Бош юрисконсульти** **И.Пиримкулов**

Ижрочи: И.Пиримкулов
Тел (93) 331-86-96

# Ҳайвон суйилганлиги ҳақида

**МАЪЛУМОТНОМА Ф 200 № 257**

Берилди ушбу маълумотнома шул ҳақидаким, ҳайвон эгаси Тошков Жевхар
ранги Қизил ёши 2 жинси Эркак тана харорати 38°
Самарқанд вилоят Я-Фарғон туман Ишхисгари МФЙ
Я-Фарғон Асадбек Сардор савдо йўл / Қаршиева олувчининг
ИФЙ манзилидаги «Амиржон Саидафзал» ф/х га қарашли қушхонаси
ихтисослашган суйиш корхонасида суйилди.

Дастлабки курик натижалари ____________________

Нимта огирлиги 1 тавба 362 (уч юз олтмиш икки) кг

Гуштни курикдан утказиш натижалари Яроқли

Ички аъзоларини (упка, жигар, талок, буйрак в.х.к) курикдан утказиш натижалари ____________________

Аниклаган паразит касалликлар йўқ

Юкумли касалликлар гумон килиниши йўқ

Амалга оширилган чоралар йўқ

**Ихтисослашган суйиш корхонаси**

**Ветеренария врач:** **Х.Усмонова**

**2022 йил «14» 01**

# Ҳайвон суйилганлиги ҳақида

**МАЪЛУМОТНОМА Ф 200 № 315**

Берилди ушбу маълумотнома шул ҳақидаким, ҳайвон эгаси Нодиров Жаҳонгир (?)
ранги Қизил ёши 3 жинси Урғочи тана харорати 39°
Самарқанд вилоят Я-Фарғон туман Исхайдари МФЙ
Я-Фарғон Асадбек Сардор савдо йўл / Қаршиева олувчининг
ИФЙ манзилидаги «Амиржон Саидафзал» ф/х га қарашли қушхонаси
ихтисослашган суйиш корхонасида суйилди.

Дастлабки курик натижалари ____________________

Нимта огирлиги 1 тавба 191 (бир юз тўқсон бир) кг

Гуштни курикдан утказиш натижалари Яроқли

Ички аъзоларини (упка, жигар, талок, буйрак в.х.к) курикдан утказиш натижалари ____________________

Аниклаган паразит касалликлар йўқ

Юкумли касалликлар гумон килиниши йўқ

Амалга оширилган чоралар йўқ

**Ихтисослашган суйиш корхонаси**

**Ветеренария врач:** **Х.Усмонова**

**2022 йил «7» 01**